

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва «Тошшаҳармаишийхизмат» уюшмасининг саҳифаси

Тушлик пайти «Истарафшан» ошхонасига кирдик. Илгари «Буратино» номи билан юритилган бу ошхона бугун бутунлай қайта таъмирланиб шаҳримиз кўрகига айланган. Иسمى-жисмига монанд ушбу таомхонага кирган хўранда мохир ошпазлар томонидан тайёрланган сифатли ва лаззатли таомлардан қониқиб ҳосил қилади. Ошхона корхонада европача ва миллий таомлардан тортиб турли пиширилгачча топилади. Уларнинг нархлари ҳам имкон қадар арзонроқ қилиб белгиланган. Яқинда биз ушбу корхонада бўлиб, мижозлар фикри билан кизикдик.

— Иш жойим шу ерда бўлгани учун «Истарафшан»да ҳар кунги тушлик қиламан. Таомлари ранг-баранг, сифатли, ошхона ҳаммаша озода, тартибли, — дейди хўранда Эркин Содиков.

— Кўпдан бери қон босими касаллигига чалинганман. Шифокорлар сутли таомлардан тановул қилишимни буюришади. Очиғини айтсам менга ўхшаш беморларбоп таомлар «Истарафшан»да тайёрланади. Шу туфайли шу ерда тез-тез нонушта қиламан, — дейди яна бир ҳамшаҳримиз Максудали Эргашев.

— Фарғоналикман. Тошкентда иккунчи сафарда бўлган кезларда ҳаммаша «Истарафшан»да овқатланаман. Кўриниши ҳар қандай ресторандан қилинмайдиган бу ошхонада тайёрланган таомлар ҳам мазали, ҳам арзон, — дейди меҳмон Холмас Хайдарова.

— Айниқса, сўнгги йилларда ошхона жуда замонавийлашиб кетди. Қўли гул усталар, унга сўнгги усулда жило беришди. Ошхонанинг ҳаммаша гавжум бўлишининг яна бир сабаби унинг фойдаланиш, озодаллиги ва қулайлигида ҳамдир, — дея сўхбатимизга яқун ясади яна бир хўранда.

Биз ҳам бу истақларга қўшилдик. Уларга қўшимча тарзда айтмоқчимизки, ошхонанинг хўрандаларининг сезимли даргоҳига айланишида албатта, бу ерда ишлаётган мохир ошпазлар ва хизматчиларнинг маданий хизматида ҳамда уларга устозлик қилаётган Махмуд ака Маткаримовнинг ўз касбини мукаммал эгаллаб олганида ҳам бўлса керак. Бугун шаҳримиздаги энг етук ошпазлардан ҳисобланган Махмуд ака ҳаёт йўлига бир назар ташлаган киши юқоридаги фикримизга албатта қўшилади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай хикоя қилади.

— Асли андижонликман. Учинчи синфни тугатганимдан сўнг ошхонада ёрдамчи ошпаз бўлиб ишладим. Икки йил давомида ўз касбини мукаммал эгаллаб олдим. Кейин ҳарбий хизматга қақирлидим. Илгитлик бурчимни Киевда ўтай бошладим.

Кунлардан бир кун тобим қониқиб ётиб қолдим. Шунда ошхонада ошпазларга ёрдам беришга қақирлидим. Бориб у-бу ишларга қарашиб турдим. Кузатиб турсам тулпа-тузук ошпазлар қарам, лавлаги, сабзи, лиёзларни ўқувсизлик билан тўғрашяпти. Ишга қилишиб кетдим. Улар менинг бу соҳадаги энгчилигимни кўриб ҳайратда қолдишди. Бу гап тез орада бошқалар қўлига етибди шеклили, улар мени қисимимизнинг ошпази вазифасига тайинлашди.

Кўп ўтмай бошлигимиз ўз ҳузурига қақириб, қўлинария техникумига битта йўлланма борлигини, агар хоҳишим бўлса мени жўнатсақлигини айтиди. Таклифга қўндим.

Ана шундан кейин меннинг чинакам ҳаётим бошланди. 1970-1985 йиллар давомида шу ердаги Украина, Братислава ошхоналарида ошпаз ва бош ошпаз бўлиб ишладим.

Барибир туғилган ериг ўзига тортар экан. Ватан соғинчи қайфиятида юрган кезларимдан бирида Тошкентдан хизмат сафарига борган Мурод Махмудов билан танишиб қолдим. У «Истарафшан» ошхона корхонаси раҳбари эканлигини айтиб, мени Тошкентга ишга таклиф этди. Кўп ўйлаб ўтирмай таклифга қўндим. Хуллас шундан бери «Истарафшан»да бош ошпазман.

Энди бу замонавий ошхона ҳақида икки оғиз сўз. У зўк йиллардан бери мижозларга баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб келади.

Турли йилларда ошхона турлича таъмирланиб, жиҳозланди.

Бугун замон ўзгарди. Шунга яраша талаб ҳам ортиб бормоқда. Мустақил юртимизда ўн йил ичида осмонлар бинолар, кенг ва раван кўчалар, муҳташам саройлар, маҳобатли кўприқлар қурилди. Биргина бу ошхона - корхона билан ёнма-ён жойлашган Амир Темури хиббони ва унинг атрофидаги ўзгаришларни айтинг. Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, олий малакали ҳуқуқшунослар тайёрловчи университет, саноат-қурилиш банки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бинолари бугун кимнинг ҳам диққатини ўзига тортмайдиган дейсиз. Атрофдаги бу янгилашни ва ўзгаришлар ўз-ўзидан «Истарафшан»да ҳам ўзига хос ва мос тарзда таъмирлаш ишлари олиб боришни талаб этар эди. Бу хайрли ишни кечиктириш мумкин эмаслигини ҳис этиб, зудлик билан ишга киришилди. Бу йўлда ошхона мутасаддиларига «Тошўйбой-қурилишлойиҳа» институти мутахассислари яқиндан ёрдам беришди.

Улар корхонанинг бутунлай қайта таъмирлаш лойиҳасини яратишди. Қурилиш-созлаш юмушларини иш жараёнини тўхтатмасдан олиб боришга тўғри келди. Қурилишга Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоятлардан мутахассислар жалб этилди. Шундай қилиб биринчи қаватда 100 ўринли марказий қаҳвахона, бругер зали, суратга тушириш салоҳи ва озик-овқат дўкони иш бошлади. Иккинчи қаватдан эса 120 ўринли ёзги ресторан, 50 ўринли зиёфатлар зали ўрин олди.

— Махмуд ака, ҳозир юртимизда тadbиркорлик авж олган давр. Ишнинг қўзини билмайдиган корхоналар синиб қолаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган хизматчи сифатида айтингчи, ошхона мижозларни кўпроқ ўзига жалб этиш учун нималарга эътибор бериши керак?

— Ҳамма гап хизмат маданиятида. Бу ҳақда гап борганда шуни айтиш керакки, бизнинг соҳада биринчи навбатда ҳушумомалилик муҳим роль ўйнайди. Умуман савдода ҳар бир мижознинг қалбига тўғри йўл топа билиш керак. Савдо ҳодимидан талаб қилинадиган нарсаси ҳам мана шу. Иккинчидан озодаларчиликка эътиборни қаратиш керак. Бу ҳам маълум даражада кишилар қайфиятига ўз таъсирини ўтказиши.

— Нега кўпгина корхоналар ҳусусан, ошхоналар дастлаб ўз фойдаланиш бошланганда гавжум бўлади. Даромад ҳам шунга яраша. Бироқ орадан уч-тўрт ой ўтмай бу жойдан файз кетиб, хўрандалар қамади. Бу ҳам хизмат маданиятига боғлиқми ёки унинг бошқа томонлари ҳам бори?

— Албатта. Лекин бир нарсани эсдан чиқармаслик керак. Бугунги мижозни алдаб бўлмайди. У кечаги таом билан бугунги таом ўртасидаги фарқи тафовутни, сифати жуда яқини тушунади. Бундай қўбўямачилик билан харидорни ўзига жалб қилиб, эртасига пугурдан кетиб синиб қолаётган савдо нўқталари кам эмас. Бу қўғуликдан қўғулиш учун белгиланган меъёрни бир даражада ушлаб туриш, режали иш туттиш лозим. Мана шундагина қўғулик ўсиш бўлади.

Хўрандалар фикри, таклиф ва истақларни ўрганиб боришда ҳам гап кўп. Биз шу тартибга қатъий риоя қиламиз ва шу талабдан келиб чиқиб таом тайёрлаймиз.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

ЛУҚМА

Устаси тушмагур «боплади»

«Чорсу» буюм бозоридан сотиб олган мавсумий пойабзалимизни икки ҳафта ўтар-ўтмас тағлиги қўқ ўртасидан бўлиниб кетди. Ташлаб юбориш увол. Ҳали даярли янги. Қолаверса пули қўйган одам аччиқ қалампирни чайнайди.

Кўп ўйлаб ўтирмай «Чорсу» буюм бозори яқинидан турнақатор ўрин олган пойабзал усталаридан бирига мурожаат қилдик.

— Боплаймиз ака. Иккала-сининг тағлигини янгилаймиз, — деди у пойабзални у ер-бу ерини кўздан кечириб. — Хизмат ҳақи 2500 сўм бўлади.

— Бунча қиммат. Ахир бу пулга янги пойабзал сотиб олса бўлади-ку.

— Бозор иқтисодиёти. Тағлиқ қиммат.

Хуллас талашиб-тортишиб 2000 сўм беришга келишдик.

— Бир соатдан кейин келасиз, — деди устас. Орадан икки соат ўтган келдик. Устаси тушмагур пойабзалимизни энди қўлига олган экан.

— Пишиқ бўлсин деб шошишмай тикилман-да. Ўтириб туринг, — деди у олдидаги шалоғи чиққан ўтиргичга ишора қилиб.


Яна орадан бир соатлар чамаси ўтиб пойабзалимиз қўлимизга теғди. Хисоб-ки-тоб қилиб жўнадик. Уни бир ойлар чамаси «тепкилаб» қийдик шеклили. Бир кун пойабзални тозалай туриб унинг уч томони ситилиб кетганига қўлимиз тушди.

Кўнгул хиралик билан яна пойабзални тўрт-беш кун қийиб юрдик. Борган сари йиртиқ жой катталлашиб борди. Кейин қийишга бутунлай ярамай қолди. Энди нима қилишга ҳайронмиз. Янгисини сотиб олсамикан ёки яна устасга мурожаат қилсамикан?

(Ўз муҳбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН

Имкониятлар ишга солинмоқда



Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «ХОБАС-ТАПО» Ўзбекистон — Швейцария — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган нometалл қувурлар ўзининг рақобатбардошлиги ва чидамлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ушбу қўшма корхонанинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин унинг маҳсулотларидан фойдаланаётган буюртмачилар нometалл қувурларнинг бир қатор афзалликларини кўриб, унинг сифатидан мамнун бўлишмоқда. Корхонанинг тўла хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланганлиги, уларда меҳнат қилаётган ишчи ҳодимларнинг юксак малакаси сифатида маҳсулот тайёрлашга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Корхона бир йилда 800 километр нometалл қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, уларнинг диаметри 200 миллиметрдан 2400 миллиметргачадир.

— Шуниси аҳамиятлики, — дейди корхонанинг маркетинг хизмати бошлиғи Улуғбек Маннонов, — биз ишлаб чиқараётган нometалл қувурларимизнинг вазни енгил, ишлатилиш муқддати эса 75 йилгача бориши мумкин, ўрнатилиши ҳам қўлай ва соддалиги билан ажралиб туради. Мамнуният билан таъкидлаш мумкин.

ки, янги замонавий технология асосида тайёрланаётган қувурларимиз жаҳон стандартлари даражасига тўла жавоб беради. Шу боис ҳам келгусида маҳсулотларимизнинг 50 фоизини хорижга экспорт қилишни кўзда тутганмиз.

Корхонада ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган қувурлардан нафақат саноатда, балки аҳолини сув билан таъминлашда, оқова сувларни экологик мусоффо ҳолда ҳайдашда кенг фойдаланиш мумкин. Улар ариқ-дренаж тармоқларидан тортиб гидроэнергетика станциялари ва магистрал босим қувур йўлларида ҳам ишлатилади.

«ХОБАС-ТАПО» қўшма корхонаси мутахассисларининг изланишлари зое кетаётгани йўқ. Боиси ўтган йилларда бу ерда тайёрланган маҳсулотлар «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси остида Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатларга экспорт қилинди. Лекин уларнинг энг асосий вазифаси эса республика-

миз бозорида муносиб ўринни эгаллашдир. Ана шу мақсадда маркетинг ишлари яқин йўлга қўйилган. Импорт ўринини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорлар сафини кенгайтиришга интилаётган корхонанинг имкониятлари ишга солиш мақсадида корхонадаги мавжуд лабораторияда изланишлар олиб борилиб, тажрибалар синаб қўрилади.

Келгусида бу корхонада маҳсулотлар тўла ўзимизнинг маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланиши кўзда тутилган. Бунинг учун ҳозирдан мамлакатимизда имкониятлар яратилиб, ХОБАС ТАПО учун хом ашё тайёрлайдиган корхоналар ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Ана шулардан бири «Оникс» акциядорлик жамиятида ишга тола-лари ишлаб чиқарадиган корхона 2002 йилнинг охирида ўз фаолиятини бошлайди.

Корхона жамоасининг ўз олдида қўйган мақсад ва вазифалари кўп. Бугунги кундаги саъй-ҳаракатлар эса уларни тўла амалга ошириш йўлидаги интилишлардир.

Шарифа ИЛЁСОВА

ТАНИШИНГ, ЯНГИ РУКН: «ҚОНУН ВА БИЗ»

Битимлар шакли ва уларга қўйиладиган талаблар

Кейинги пайтларда республикаимизда ҳусусий тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши билан тadbиркорлар ва кредит берувчи идоралар ўртасида қўллаб битимлар тузилмоқда. Баъзан томонлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда эса битимларнинг тўғри тузилиши муҳим аҳамият касб этади. Биз Сергели тумани 1-Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси, юридик фанлари номзоди Искандар Раҳимов билан тарафлар ўртасида тузиладиган битимлар, уларга нисбатан талаб қилинадиган умумий қондалар ҳусусида сўхбатлашдик.

тимга унинг иштирокчисининг шахсан ўзи эмас, балки у ваколат берган (масалан: ишончомона бўйича) шахс ҳам имзо чекиши мумкин. Ушбу талабга риоя қилмасдан тузилган битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Икки ва кўп томонлама битимлар ҳам унинг тарафлари томонидан ёки улар вакил қилган шахслар томонидан имзоланади. Шунинг билан бирга бундай битимлар Кодекснинг 366-моддасида ўрнатилган тартибга асосан ҳам тузилиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

— Қандай битимлар ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар нотариал тартибда тасдиқланиши керак?

— 1963 йилдаги Гражданлик Кодексининг 50-моддасига мувофиқ битимларни нотариал тартибда гувоҳлантириш фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина мажбурий эди. Янги Кодекснинг 110-моддасида нотариал расмийлаштиришда битим тарафларига ҳам ҳуқуқ берилди. Энди битимлар икки ҳолларда, яъни қонунда кўрсатилган ва тарафлардан бирининг талаби билан нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин. Ўзбекистон Республика-

сининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни билан Ўзбекистонда ҳусусий нотариус фаолиятини амалга оширишга рухсат берилди. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади. Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) амалга оширади. Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси Конституция муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

Битимларни нотариал тартибда расмийлаштириш учун тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар Кодекснинг 107-моддасида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак. Нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар талабга жавоб беришда нотариал тартибда тасдиқлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга.


«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар битимларни, васиятно-маларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказиш, ўтказишни та-

қиқлаш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос мол-мулкнинг қўриқчилинишига доир чора-тадбир кўриш, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган қўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш ва шунга ўхшаш қатор юридик аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳаракатларни бажаради.

Ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларнинг деярли барчасини амалга оширади. Лекин, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирини кўриш билан боғлиқ ҳаракатларни ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширмайди.

110-модданинг 2-қисми 2-бандининг маъносига кўра тарафлар қонун билан нотариал шакли талаб қилинмаган ҳар қандай битимни ўзаро келишилган ҳолда нотариал тартибда тасдиқлашга ҳақли. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ нотариуслар фақат нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни эмас, шунинг билан бирга тарафларнинг хоҳишига кўра бошқа битимларни ҳам тасдиқлашлари мумкин.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.



«Олой» бозорининг ҳовли томондан кўриниши.

Нега нархлари ҳар хил?

Азалдан бизда бир сероб бўлган нарсаси танқис бўлади, танқис бўлган нарсаси вақти келиб сероб бўлади, қабилида гап бор. Бир вақтлар шиша идиш хор, баҳоси сариқ чақа бўлди. Уни қоплаб ариқларга оқиздик. Вақти келиш уш идиш танқислигига ўчрадик. Қайси дўкonga кириб шишалар маҳсулот харид қилмайдиган бўлсақ барака топкур сотувчилар биздан ўрнига ўрин шиша идиш талаб қилмайдиган бўлишди. Яқинишлар фойда бермай қолди. Шиша олиб келмагунча ишнингиз уммади. Хуллас эрталаб уйдан хизматга чиқаётганимизда ҳар эҳтимом деб тўрталтачага ёки чўнтагимиздаги шиша идиш солиб юрадиган бўлдик.

Хайрият, у кунлар орқада қолди. Бугун яна нима сероб, шиша идиш сероб. Шундай дамба бирон дўкonga кириб шиша идишлар маҳсулот харид қилсангиз сотувчи сиздан ўрнига ўрин шиша идиш талаб қилса хайрон бўлмай иложингиз йўқ. Таажубланманг. Шундай ҳол онда-сонда бўлса-да баъзи дўконларда содир бўлиб турибди.

Мана бир мисол. Ўтган шанба кун Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган Шимол-Ой Олмазор бекати яқинидаги дўкonga кирдик. Бекатга яқинлиги, қолаверса бир томони бозорча, сосиқхона, қаҳвахона рўпара-сида гуммаҳона жойлашгани учун ушбу дўкон ҳаммаша харидорлар билан гавжум. Озода, тартибли бу савдо нуктасида маҳсулотлар ҳам бисёр. Лекин бир яқини бир ёмони деганларидек, турли хил ичимликлар бўлимидан шишалар идишдаги маҳсулот харид қилсангиз сотувчи сиздан албатта, ўриндош шиша идиш талаб қилади. Бундай ҳолатнинг ўзимиз шоҳиди бўлдик.

— «Тошкент оқшоми» арогингиз неча сўм туради? — сўраймиз сотувчидан.

— 925 сўм.

Айтилган пулни узатдик.

— Биттасини беринг.

— Шиша идишингиз борми? — сўрайди сотувчи биздан.

— Канақа шиша идиш?

— Бизда шунақа тартиб, ўрнига ўрин шиша идиш берилади. Бўлмаса ҳисобдан ташқари яна 100 сўм идиш ҳақини тўлайсиз.

— Белгиланган нархга шиша идиш ҳақи қирмайди?

— Йўқ.

Хуллас устига айтилган қўшимча пулни бериб «Тошкент оқшоми» арогини харид қилдик. Эртаси кун ҳам шундай ҳолат рўй берди. Шунда дўстларимиздан бири:

— Тўғри, ҳозир бозор иқтисодиёти. Нархлар ҳар хиллигини тушуна бўлади. Сотувчилар маҳсулотларни турли жойлардан, узок-яқинлардан харид қилиб келтиришади. Унинг устига йўлқира дегандек. Шунинг учун бир дўкonga нарх бошқасига тўғри келмаслиги мумкин. Лекин «Тошкент оқшоми» ароги ўзимизнинг «Тошкентвино» корхонасида тайёрланади. Шу ердан тарқатилади. Нархи ҳам, йўлқираси ҳам даярли бир хил. Шундай экан, нега дўконларда 150 сўм нарх ҳар хил. Хатто бир шишаси 150 сўмгача фарқ қилмайдиган жойлар бор, — деган гапни айтиб қолдик. Чиндан ҳам ўйлаб кўрсак бу гапга жон бор қўринадик. Билмадик бу саволга тегишли мута-садилар қандай жавоб беришар экан?

(Ўз муҳбиримиз)

ХОТИРА УЙҒОНСА ҒУЗАЛДИР...

Жозибали шеър қўшиқлари қолди...


Хотира — инсон қалбидаги муқаддас туйғу. Яхши одамларнинг қисқа умрларидан ажойиб хотиралар, унутилмас таассуротлар қолади, албатта. Утганлар руҳини ёд этиш энг яхши инсоний фазилатдир. Дунёда ота-она, фарзандлар, яқин дўсту биродарингдан бевакт айирмасин илоҳим.

Халқимизнинг сеvimли фарзанди Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номига эслаганимизда беихтиёр кўзларимизда ёш айланади. Бешафкат ўлим иқтидорли шоирини навиқрон ёшда биздан айирди...

Муҳаммад Юсуф 1980-йиллар бошида «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятига ишга келганда ёш йигит эди. У «Оқшом» жамоасида мусаххих сифатида ўз фаолиятини бошлади. Кейинчалик ахборот, адабиёт ва санъат бўлиmlарида самарали ижод қилди. Муҳаммад ўзининг тиришқоқлиги, ўқир эҳси, меҳнатсеварлиги билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонди ва ўзининг ажойиб ҳулқи, интизоми, камтаринлиги билан кўплаб дўстлар орттирди. Муҳаммаднинг қаламига мансуб қатор ранг-баранг мавзудаги мақолалар ва шеърлар «Оқшом» саҳифаларида мунтазам ёритилиб газет-хонлар эътиборини торта бошлади. Айниқса Муҳаммаднинг таъсирчан, фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлари мухлислар қалбидан абадий жой олди.

Муҳаммад Юсуф билан бирга ишлаган йилларимиз биз учун ёрқин хотира бўлиб қолди. Унинг самимий нигоҳи, ҳамкасблари, дўстларига бўлган меҳр-оқибати, қуюн-чаклиги инсоний фазилатларидан эди. Йиллар ўтиб Муҳаммаднинг қалами чархланиб, ижоди янада гуллаб-яшнади. Шеърлари инсонлар қалби кечинмалари, дард-ўйларини тўлиқ ифодалаб, мушоҳадага бой сатрлари шеърят ихлосмандлари қалбини забт этди.

Муҳаммад Юсуф «Тошкент оқшоми» газетасида кўп йил ишламаган бўлса ҳам газетамизда ҳамкасбларига меҳри бўлакча эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, ўтган йили Мустақиллик байрами олдидан газетамиз саҳифаларида Муҳаммад Юсуфнинг янги шеърларини эълон қилишни режалаштирдик. Дарҳол унга кўнғироқ қилиб ниятимизни билдирдик. Муҳаммад қувониб, «Албатта «Оқшом» учун шеър топиларди. Келинг, янги шеърим бор, Ватан ҳақида, ҳали ҳеч қаерда чиқмаган. Тез келинг...», деди. Хурсанд бўлиб, шошиб Ёзувчилар уюшмасига бориб шеърни олдим тахририятга қайтдим. Йўл-йўлакай Муҳаммаднинг янги шеър...



рини биринчи бўлиб олганимдан ўзимда йўқ қувониб уни ўқиб келдим. Шеърнинг номини ўқиб қалбим бир энтикди. «Ватаним севинг...»

Кимлардир қафтида гул ушлаб юрар, Кимлардир қўлида палахмон тоши, Чайқалиб турганда дунё гулдираб, Юртнинг пойидадир йигитнинг боши. Севсангиз, аввал шу Ватаним севинг, Сўнг шахло кўз-у гулбаданни севинг.

Шеър газетамизда босилиб, кўпчиликка манзур бўлди. Шундан кейин бироз муддат ўтиб бир кун ишдан қайтаётиб Ёзувчилар уюшмаси олдидан Муҳаммад Юсуф ва унинг дўсти Абдурауф билан учрашиб қолдик. Ҳамкасб дугонам Шоира иккимиз Муҳаммад билан эски қадрдонлардек хурсанд бўлиб, хол-аҳвол сўрашдик. Муҳаммаднинг кайфияти жуда чоғ эди. Учрашган кунимиздан бир ҳафта кейин «Зарафшон» концерт залида Муҳаммад Юсуфнинг ижодий кеча-си ўтказилиши керак эди. У бизни кечага бажонидил таклиф этди. Сўнг у билан янги тўпламлари ҳақида ва «Оқшом»да ишлаган йилларини эслаб узоқ суҳбатлашгач, хайрлашдик. Афсус, Муҳаммад билан сўнгги учрашувимиз бўлган экан шу кун...

Муҳаммад Юсуф энди орамизда йўқ. Аммо ундан бизга бетакор, мазмунли, жозибали шеърлари қолди. Муҳаммад Юсуфдан ширин хотиралару дилбар қўшиқлар қолди. Унинг шеърлари, қўшиқлари дилларимиз тўридан жой олди. Дўстимизнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Куйида, эътиборингизга шоирнинг шеърларидан ҳавола этмоқдамиз.

Дилором ИКРОМОВА

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

БАҒРИ КЕНД ДИЁР

Кузда кетган турна қайтгандек баҳор,
Бир кун хузуригга қайтишларим бор,
Узримни ўзингга айтишларим бор
Эй, менинг юрагим йўқлаган диёр!..

Кайтарман аммо қай аҳволда билмам,
Балки, унда мени буккан бўлар ғам.
Балки, қайтмоқ насиб этмас менга ҳам,
Чўлпони ёдидан чиқмаган диёр.

Гарчи бўлмасам ҳам ёнингга йўлдош,
Дардингга дилдошман, жонингга жондош,

Ҳаттоки, қаландар Машраби талош,
Бобури бағрига сиғмаган диёр.

Оллоҳ-ку Анжонда қорим лойини,
Нодиранг на қилсин хон саройини?..
Кўконга узатиб Моҳларойини,
Боғишамол бўлиб йиғлаган диёр.

Жаннатлардан ғўзал, кўхлигим менинг,
Бағринг қон қилдим шўхлигим менинг,
Балки, билинмас ҳам йўқлигим менинг,
Балки, мени ҳам гоҳ йўқлаган диёр...

Кузда кетган турна қайтгандек баҳор,
Бир кун хузуригга қайтмоқларим бор,
Узримни ўзингга айтмоқларим бор,
Эй, ёмон кўзлардан асраган диёр.

ПАЛАБАЛАР МАДҲИЯСИ

Алп ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон,
Қалқонлари, қанотлари илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,
Аждодингиз уй қурмаган — Давлат курган.

Юрти учун елкасида тоғлар сурган,
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.

Кўз очгандан кезиб етти бахри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Бехзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,
Халқ йўлида ҳидоятчи, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб, баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шахдингиздан шиддат ёғсин.

Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин —
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

Яхшиликка етакловчи амаллар

«Саодат тухуми элга наф берур,
Гар тикон эксанг

оёғингга кирур».

(Қадимий битиклардан).

Инсонда яхшилик уч хил кўринишда намоён бўлади. Биринчиси, биродарлари ва қариндошлари, иккинчиси, турмуш ўртоғи ва фарзандларига, учинчиси эса ўз халқига нисбатан қилинадиган меҳр-муҳаббат, оқибат, сабр-тоқатдир. Ўз биродарларига қилинадиган яхшилик аломати шунда кўринадики, бунда инсон дўстларидан ҳам олийҳимматроқ, саховатлироқ бўлишга, ҳар соҳада, ҳар ишда ҳиммат кўрсатишга, садақот ила мададкор бўлишга интилади. Аллома Абулқосим Замашхари бу ҳақда: «То бошингга ўлим келмагунча ҳеч кимдан ёрдамнинг аяма. Муҳтожлар ҳолидан хабар олиб тур, уларга қўли очиклик билан эҳсон этгилким, бундан гайрат камарида таҳсинга лойиқ нур сочувчи офтоб янглиг, яхшилик, эзгуликлар то абадга қалбидан мустаҳкам жой олсин», — дея ўғит беради. Шунингдек, ғўзал, олижаноб фазилатларни ўзинга касб этиш, разил одалардан қочиб ҳам ода-мийликка хос одоб-ахлоқ тарбияси борасидаги яхшиликка олиб борадиган амаллардан саналади.

Ҳадисларда: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишни, ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши яхши жигарғушлари — қариндошларидан ўзини узмасин, мол-дунё — мерос дея бир-бирининг умрига зомин бўлмасин, ёхуд бир умрга юз кўришмас бўлиб қолишга сабабчи ҳолда пушаймонда қолмасин», — дея лутф қилинганлиги ҳам беҳис эмас. Масалан, ҳар бир кишининг ўз яқинлари — қариндошларига кўрсатган ҳиммати аввало қавмига, элига билдирган ҳимматидир. Ҳиммат қанчалик баланд юрса, яхшилик галабаси ҳам шунчалик улғурак бўлади. Жумладан, қуйидаги сатрларга эътибор берайлик:

«Яхшиликдан келади қўлга

яхши ном,

Яхшиликдан бўлади ҳосил

мурод ҳам.

Шундай деб кўрсатмиш бир

соҳиб бахт,

Яхшиликдан кифтингга келур

тожу тахт».

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН



Мунис қуйлар яратаётган ёш бастакор қизларимизга устозларининг ижоди илҳом бағишламоқда.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

ФАН ОЛАМИДА

Халқаро грантлар самараси

Бугунги кунда Ўзбекистон олимларининг халқаро илмий алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институтини ҳам нуфузли чет эл илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, тадқиқотлар самарадорлигига эришиб келмоқда.

Бунинг натижасида илмий муассаса қатор халқаро грантлари қўлга киритди. — Биз бешта халқаро грант ҳамда илмий битимлар асосида муҳим муаммолар устида изланишлар олиб бормоқдамиз, — дейди институт директорининг ўринбосари Аббосхон Тўраев. — Украина халқаро илмий маркази ажратган грант ҳам долзарб тадқиқот учун асос бўлди.

Халқаро ИНТАС жағмармаси билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда. Ана шу изланишлар учун бир йўла иккита грант қўлга киритилди.

Компьютерлар совға қилинди

«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» қўшма корхонаси республика-мизда таълимий жараёнларни самарали амалга ошириш ишига ҳам ўз ёрдамини аямаётди. Бу нуфузли корхона яна бир хайрли ишга қўл урди.

Унинг сай-ҳаракати билан бешта компьютер қурилмаси ажратилиб, Тошкент-да фаолият кўрсатаётган «Компьютер-эксплоз» ўқув марказига тортиқ қилинди.

Ушбу марказ компьютер қурилмалари, техникасини таъмирлаш ҳамда «ақли-машиналарни замонавийлаштириш билан шуғулланмоқда. Бу ерда уюштирилган ўқув

Ҳа, шундай азизлар. Яхши номга муносиб бўлиб юришининг масъулиятли юки бор. Ана шу шарафли юк замирида ода-миёликнинг фақат бир қиррасигина намоён холос.

Умр йўлдошига қилинадиган яхшилик ҳам худди шундай, уни поклик ва ифбат-да сақламоқликка эришишдир. Ойлада вафо, садақот, мушоварат ҳукмрон бўлиши улғур бир саодатдирки, унинг қалити фақат тотувлик, тинчлик, иноқ-иттифоқлик, ифбат-назоқат, шарму ҳаёга асосланган бўлмоқлиги даркордир, дейилади яна бир ҳадисда.

Нақл қилишларича, машҳур подшоҳ Баҳром Гур кўнлардан бир кун айланб, шикорга чиқади. У шикорининг айни қизгин палласида бир қулоннинг ортидан қувиб, ўз маҳрамларидан узоқлашади ва адашиб қолади. Подшоҳ шу тариқа йўл юриб дармонли қурйи бошлаганда бир чека қишлоққа етиб боради. Сайёдликнинг ана шундай оғир машаққатли томони ҳам йўқ эмаслигини яхши хис этган ҳамда даштининг танобини кўп ва ҳўб юриб торган подшоҳ гоёат очикқан, емак-ичмакка муҳтож эди. У отидан тушиб бир дархат соясига ўзини олади ва ким эканлигини билдирмай: «Мен бу дам сизларга меҳмонман, нимаики, тайёр овқатингиз бўлса, ўша билан иноят қилинг, шу менга кифоядур», — дейди.

Бу ердаги бадавлат бир одам нотаниш сайёднинг оғир аҳволини кўриб турган бўлса ҳам, менга нима, дегандай унга эътибор бермайди. Худди шу ердаги бошқа бир хонадоннинг камбағал бўлса ҳам бағоят ақли дониш эгаси меҳмонни ўз уйига олиб кириб, унинг олдига дастурхон ёзиб, нон билан қатиқ қўяди. Тайёр овқатни егач, жони ҳузур топган меҳмон, яъни ҳукмдор шох уни меҳмон қилган хонадон соҳиби — меҳмонга беҳисоб мол-дунё ҳада этиди, халиги биринчи бойга жуда қаттиқ танбех беради.

Яхши одоб-ахлоқ, самимийлик, энг муҳими инсон деган улғур номга яраши-лик эзгу ва хайрли амаллар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблорроқ иш йўқ дунёда. Шу боис гайрат билан яхшилик камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда ўзимиздан фақат яхши ном қолдиришга интилайлик!

Ибратли ҲИКОЯЛАР

● Абулқосим Охунзода номли машҳур сайёҳ айтади:

— Эрон шаҳарларидан Кармоншоҳга келиб бир кампирнинг уйида истикомат қилдим. Кўнлардан бирида касал бўлиб қолдим, ўша кун ҳеч бир ерга бора олмадим. Ҳариб, мусофирлигим, ҳолимдан хабар оладиган кишим йўқлигига афсусланиб ётган эдим, бирдан уй эшиги очилиб, кампир кириб келди. Ёнимга ўтириб йиғлаб:

— Ўғлим, бугун касал бўлиб қолганимдан хабарим бор. Мусофирликда ёғриб қолиш кишига ёмон таъсир қилади, касал руҳи эзилади. Лекин, ўғлим, ҳафа бўлма, афсусланма, кўнглинг нимани истаса, менга тортинмай айт, — деб, менга тасалли бериб чиқиб кетди. Бир оздан кейин бир табииоти бошлаб келди. Табиб текшириб кўриб дори ичирди, яна келишга ваъда бериб чиқиб кетди.

Шундай қилиб раҳмдил кампир соғайгунимча ҳолимдан хабар олиб турди.

— Отажон, менга кўп яхшиликлар қилдингиз, ғариб-мусофирлигимни, ёнимда ота-онам йўқлигини сез-дирмадингиз, сиздан кўп миннатдорман, — дедим, қилган хизмати учун атаган ҳадямни қабул қилишни ўттидим. Кампир ҳадямни қабул қилмай:

— Ўғлим, сендан бирор нарса тамаъ қилиб хизмат этганим йўқ, фақат инсоний вазифамни адо қилдим, — деди. Бу кампирнинг қандай олижаноб аёл экани мени ҳайратга туширди, унинг сўзлари менга шундай таъсир қилдики, соф қалбли, ҳимматли, олижаноб бундай хотинга жон фидо қилсанг арзийди, деб қўзимга ёш олдим.

Сайёҳ ёша айтиди:

— Онанинг фарзанд устиди ҳақи ота ҳақидан уч хисса кўпдир: 1 — она боласини бир йилча ўз қорни-да авайлаб сақлайди. 2 — ўдақни икки йилча ўз қучо-ғида асраб, кўп машаққат чекади. 3 — тўртинчи йил-дан бошлаб ота билан биргалашиб болани тарбия қилишга киришади, лекин унинг тарбияси, фарзанд-дига қўйган меҳру муҳаббатни отанинг тарбияси, меҳ-ру муҳаббатидан кўра кўпроқдир.

Шунинг учун фарзанд она ҳақини тўла-тўқис адо этишдан гофил бўлмасин.

Эй ўғил, она ҳақини бажо келтир, унинг розилиги-ни олмай туриб бахт-саодат юзини қўрғомайсан, онанг сени деб жигарини қон қилди. Отангга ҳам, онангга ҳам хизмат қилиб, уларнинг дуосини ол, но-рози бўлиб ох уришларидан ҳазар қил.

● Шайх Саъдий айтиди:

— Ҳотам Той ҳақида қизиқ бир қисса эшитишни истайсизми? Дикқат қилиб қўлоқ солинг, мен айтиб берай, лекин бу қиссани менга айтиб берган киши-нинг исмини унутганман.

Ҳотам билан замондош Яман подшоҳи ўзини жуда саховатли бир подшоҳ санаб, саховати билан макта-нарди. Ўзидан кўра Ҳотамнинг яна ҳам саҳий экани-ни сира қабул қилмай, ҳузурида Ҳотам саховатидан баҳс қилганларни асло ёқтирмасди. Уни мактаган-ларга ғазабланиб:

— Ҳотамни нега бунча мактайсиз? Мамлакатга, сал-танатга эга бўлмаган бир саҳроий одамни макташ тўғри эмас, давлат-салтанатга мен каби эга бўлма-ган бир саҳроий қандай қилиб шу даража қўли очик, хайр-саховатли одам бўла олади? — дер эди.

Бир кун у саҳий подшоҳ зиёфат ташкил қилиб, ҳар кимнинг ҳолига муносиб инъом ва эҳсон қилди. Зиё-фатга чет мамлакатдан қақирилган меҳмон Ҳотамдан сўз очиб, саҳийликда мисли қўрилмаган бир одам эканини сўзлади, таъриф-тавсиф қилди. Меҳмоннинг сўзлари подшоҳни ғазаблантирди. Ҳотамга бўлган адовати авж олди, ҳасади зиёдалашди.

Зиёфатдан кейин подшоҳ жаллодларидан бирини қақириб олиб:

— Модомики, Ҳотам менинг подшоҳлигим вақтида ҳаёт экан, саҳий деган номга эга бўла олмаётган, сен бориб Ҳотамни ўлдириб калласини олиб келиб, кўнглимини тинчит, — деб буйруқ берди.

Ҳотамни ўлдириш нияти билан жаллод Тай қаби-ласига кетди, қабила жойлашган ерга етган эди, унга бир йигит учради. Йигит у жаллодни кўрган замониёқ унга салом берди, ҳол-аҳволини сўраб ўз уйига так-лиф қилди. Унинг хушмуомаласи жаллодни ҳайратда қолдирди. Йигит у жаллодни уйига олиб келиб зиё-фат қилди, иззат-ҳурмати бахо келтирди, йигит-нинг ҳали танимаган бир кишига шу даражада қил-ган иззат-ҳурматиға жаллод таажжуб қилиб кўнгли у йигитга мойил бўлди, муҳаббат боғлади. Эртаси кун и жаллод кетмоқчи бўлиб йигитдан рухсат сўради. Йи-гит унга:

— Сизга кўнглингиз тўладиган даражада хизмат эта олмадим. Яна бир неча кун азиз меҳмоним бўлинг, — деб ҳар қанча илтимос қилса ҳам, жаллод уар айтиб ўзининг муҳим бир иш билан Тай қабиласига келга-нини сўзлаган эди, йигит унга:

— Азиз меҳмоним, менинг қабилама қандай муҳим иш учун келганингизни айтинг, ишингизнинг рўёбга чиқушига қўлимдан келганча ёрдам бераман, — деди. Шундан кейин жаллод ўз мақсадини баён қилишга киришиб:

— Тай қабиласида Ҳотам номли саҳий, олижаноб бир одам бор экан. Билмайман, нима сабабдан Яман подшоҳи Ҳотамга адоват боғлаган, уни ўлдириб кал-ласини келтиришни менга топширди. Агар Ҳотамнинг бошини подшоҳга келтирсам, унинг лутф-карами менга зиёда бўлади. Сиздан фақат Ҳотамнинг уйини қўрсатиб қўйишингизни ўтинаман, — деди.

Йигит унинг сўзини эшитгач, қилиб:

— Қадри меҳмоним, сиз истаган кишингиз Ҳотам — мен ўзимман. Модомики, менинг бошим туфайли подшоҳнинг лутф-карамига эга бўлишни истар экан-сиз, жону дилим билан розиман, мана қилич, бошим-ни кесиб, подшоҳга олиб бориң, — деди ва қиличи-ни унга узатди.

Жаллод у йигит Ҳотамнинг ўзи эканини билиб, даҳшат ва ҳайратдан йиғлаб юборди, сакраб туриб қучоқлаб юздан, қўздан ўпиб:

— Эй олижаноб одам, сен нақадар улғур одамсан, сенинг бир тукингга зарар еткизсам, бу мурдор қўлим синсин, — деб фарёд уриб кўз ёшини тўқди. Ҳотам-дан қайта-қайта уэр сўради.

Ҳотам унга тасалли берди, кўп олтин эҳсон этди. Жаллод бир неча кун Ҳотамнинг меҳмони бўлиб, сўнгга ўз ватанига қайтиб кетди.